









# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Суратда: лицейнинг компютер хонасида. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат

## СОБИҚ ДЎСТ

Бир яқин дўстим бор эди. Болаликдан бирга ўсган сирдош дўст эдик. Тақдир тақозоси билан ўша ўртоғим мансаб пиллаполярларидан тейликка юқорига кўтарила бошладим. У балан чиккан сайин дўсту ёрларидан, яқинларидан ҳам узоклашиб кетди. Мансаб, шон-шўхрат уни бутунлай узгартириб юборди. Энди у ўзига ўхшаган одамларга яқинлашди. Янги давраларга кўшилди. Унинг зиёфат, базмлардан боши чиқмай қолди. Яқинда тасодифан шу оғайним билан учрашиб қолдим. Анчадан буён учрашмаган эдик. Шунинг учун илгаригидек кучоклашиб кўришишга чоғландим. Аммо у қўл учида саломлашиб, «Эй, дўстим, бормисан?» — деб гўлдиради. Унинг хатти-ҳаракатида ҳам, овозида ҳам кибр-ҳаво, сохталик акс этиб турарди. Хуллас, дўстимнинг аввалги самимилигидан асар ҳам қолмаган эди.

Ўқтам СУЛТОНОВ

Кармана туманида Муҳиддин қори Ёқубов номидаги ёш ижрочилар республика кўриктанловининг вилоят босқичи якунланди. 350 нафардан зиёд истеъдодли ёш иштирок этган танловда рубоб, дутор, доира, жижак каби миллий мусика асбоблари жўрлигида мўмтоз ва замонавий оҳанглар янгради.

## ЁШ ИЖРОЧИЛАР КЎРИГИ

Кониҳ туманидаги болалар санъат мактаби ўқувчиси С.Рисметов, Қизилтепадаги М.Ашрафий номи 3-бўлар санъат мактаби ўқувчиси Д.Ғайбуллаева, Карманадаги болалар санъат мактаби ўқувчиси Х.Жумаев, Зарафшон шаҳар 7-болалар санъат мактаби тингловчиси Н.Мирзаева, қизилтепаллик Х.Шарипов ижро этган наволар ҳақамлар қайбати томонидан юқори баҳоланди. Навоий шаҳридаги 1-болалар мусика мактаби ўқувчиси М.Хайитова ижросидаги кўшиқ барчага манзур бўлди. Ҳалилар танловнинг республика босқичига йўланма олди.

## ЭНГ ЯХШИ ИЗЛАНИШ ДЕБ БАҲОЛАНДИ

Кейинги йилларда қурилиш ва архитектура фани йўналишида қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Олий ўқув юртилари учун яратилган бундай адабиётларни ёзишда мутахассис олимлар самарали изландилар. Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори, профессор Бахтиёр Аскарнинг бу борадаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Унинг қурилиш технологияси назарияси ва амалиётига доир янги китоби ҳам мутахассисларнинг катта баҳосини олди. Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирлиги ҳамда «Истеъдод» республика жамаатчаси томонидан ўтказилган навбатдаги «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти мўаллифи» танловига мазкур нашр голиб деб топилди.

А.АЛИЕВ

## ГОЛИБЛИККА АСОСИЙ ДАЪВОГАР Тошкент халқаро турнирининг ўзи

Тўғриси, биз бу турнирни неча йиллардан буён кутардик. Мана нихоят, орзу рўёбга чиқди. Шундай турнир уюштирилди. Арманистон ва Латвия чемпионолари «Пюник» ва «Сконто» жамоалари билан бир қаторда Белорус ёшлар терма командаси ҳам «лаббай» деб жавоб қилишди. Бунга қўшимча равишда мамлакатимизнинг биринчи клуби «Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва Фарғонанинг «Нефчи» командаси мусобакага қўшилди.

Албатта, Европа футбол грандлари — «Реал», «Барвария», «Манчестер Юнайтед», «Милан», «Ювентус», «Барселона», «Арсенал» каби жамоалар ўзинини томоша қилган мухлислар учун ушбу турнир анчайин оқдий туюлиши табиий. Лекин шу ўринда эътиборингизни бир нарсага тортишни истардик. Улар ўз йўлига. Вақт соати келиб, ушбу клублар ҳам Тошкент халқаро турнирида қатнаши истганини билдиради. Бунинг учун қўл нарсаси керак эмас. «Пахтакор» ва унинг ортидан келаётган жамоалар халқаро майдонларда ишончли ўйин на-

## Футбол

муносиб якунлаш учун астойдил ҳаракат қилсаларда, «Пахтакор»ни ортда қолдириш осон эмас. Амалда шундай бўлди ҳам. Асосан «Пахтакор»нинг ўринбосарларидан таркиб тоналган олимпиячиларимиз ўз акалари қаршилигини енга олмадилар. Оқибатда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб, гуруҳда иккинчи ўринни эгалладилар. Биринчи ўрин, кўтилганидек, «Пахтакор» жамоасига насиб этадиган қуринади. Чўнки Т.Агамуротов етакчилик қилаётган жамоа Арманистон чемпиониға ҳеч қандай имконият қолдирмаслиги аниқ.

Тўп думалоқ, майдон текис. Яна ким билади, биз мутолқ билмаган ва хаёлимизга келмаган натижалар ҳам қайд этилиши мумкин. Энг муҳими шунки, яхши ниятлар билан ташкил этилган Тошкент халқаро турнири ортидан ушбу мусобақага қўшимча равишда қўшимча майдонларда ишончли ўйин на-

## ҲИМ ШАБАССУМ

Ижод уйда бир адиб иккинчисидан сўради: — Ҳозир нима қилиясиз? — Хотиралар ёзаялман. — Дуруст экан. Мендан уч юз сўм қара олган жойингга келганинг йўқми ҳали? — Соҳибжамол қиз тўлқинларни енголмай чўка бошлапти. Йигит ўзини денгизга ташлаб, бир неча марта шўнгиб, қизни олиб чиқипти. Соҳилда қизини кутиб турган онаси жаҳл билан йигитга қараб депти: — Дарҳол менга жавоб беринг-чи, нима учун қизим билан сув остида шўнчалик узок қолиб кетдингиз? — Манави доктор зўр экан-да! Бир лаҳзада хотинимни тўзатди. — Қандай қилиб? — «Жамики оғрикларингиз яқинлашиб келаётган қариллик белгиси» деди.

Бир танноз аёл дўстларига мақтанаяпти: — Ҳов анави келишган эркакни кўраясизларми? Уни миллионер қилган менман... — Қандай қилиб бунга эришдингиз? — Жуда осон. Биз танишган пайтимизда у миллиондер эди. — Жуда ўзгариб кетибсан-ку, Абдурахим! Илгари пакана, семиз, кал эдинг. Ҳозир бўйдор, хипча, жингалак соч! — Кеңирасиз, адашдингиз. Мен Абдурахим эмасман. — Ие, исминини ҳам ўзгартирдимми? — Эр хотинига илтижо қилади: — Минг сўм бер.

— Бермайман, ичиб қўясиз: Шундай деб ишга кетади. Кечкурун келиб қараса, гоғлар йўқ. Эрининг қайфи тарок. — Гоғлар қани? — Жанубга учиб кетишди. Минг сўм бермансанг, қўйлар ҳам тоққа жўнаб қолади. — Улар унашишганига ўн йил бўлди. Нега шу пайтгача турмуш қуришгани йўқ? — У ичиб юрган кезларда қиз унга тегишга кўнмади, йигит ичинини ташлаб, хушёр тортадан кейин унга уйланиши келмади. — Мана кўриб қўй, хотиним унинг мактубини почта қутисига ташлашни унутмаслигим учун атайин дастурмолимнинг учини тугиб қўйган. — Ҳуш, ташладингми мактубни? — Йўқ, хотиним мактубни беришни унуттибди. — Жияни амакисиз: — Менга совга қилган сурнайнинг совғалар ичида энг яхшиси-да... — Нега энди? Арчада сенга жуда кўп яхши нарсалар совга қилишди-ку... — Шўнақа-ку, лекин сурнай яхшироқ. Ҳар кунни дадам «сурнайнингни чалмай тур», — деб менга юз сўм беради. — Анжелика дегани ким? — деб сўрайди ғазаб ичида хотини эрининг чўнтагиндан чиққан мактубни кўрсатиб. — Анжелика — от, ўтган ҳафтада пойгада мен шўнга тиккан эдим. — Шу от кечкурун соат саккизда сени кинотеатр олдига кутар экан.



А.ХАКИМОВ чизган сурат

## БИСКВИТЛИ РУЛЕТ

Бисквит учун: 2/3 стакан ун, 0,5 стакан шакар, 5 тухум. Крем учун: 150 г сариёғ, 2 тухумнинг сариғи, 3 ош қошиқда шакар қукуни, 1,5 ош қошиқда какао ёки 1 ош қошиқда майдаланган кофе, ванилин. Тухумнинг сариғи оқидан ажратилиб, шакар қукуни билан аралаштирилади. Ажратилган тухум оқи ҳам яхшилаб кўпиртирилади ва иккаласи ун билан бирга қўшилади. Масса газ листига солинган ёлганган қозоғга қўйилади (хамирни солганда қозоғнинг четларидан 1,5 см қолдириш керак). Бисквит ёнги қиздирилган духовкада ўрта оловда 10-12 дақиқа пиширилади. Тайёр бўлган иссиқ бисквит шакар сепилган пергамент қозоғга тес-

## Уй бекалари, сизлар учун

карисе ағдарилади ва бисквит пиширилган қозоғлари олиб ташланади. Сўнг тезда ўнгини қилиб, пергамент қозоғ билан бирга рулет қилиб ўралади. Бисквит совигунча крем тайёрланади. Юмшатиладган сариёғни кўпиртириб, унга шакар қукуни қўйилади. Кўпиртиришни давом эттиришдан холда битта-биттадан тухумнинг сариғи, сўнг какао ёки кофе, ванилин қўшиб, бир хил массага келгунча яхшилаб аралаштирилади (кремга қўшимча майдаланган ер ёнғоқ, консерваланган майдан меваларни ҳам солса бўлади). Ураб қўйилган бисквитнинг ичига крем суртилади ва ана рулет холига келтирилади. Устини ҳам крем билан чиройли қилиб безатгач, бир неча вақтга совутгичга қўйилади.

## ПИЦЦА

Хамир учун: 2 стакан ун, 0,5-0,75 стакан соғуқ сув, битта тухум сариғи, туз, озгина лимон кислотаси, 250 г сариёғ. Ичига солинадиган масаллик учун: 300 г қийма, 125 г юмшоқ пишлоқ, 200 г помидор, туз ва қуритилган гаримдори қукуни. Хамирнинг тайёрлаб, 2-3 мм қалинликда ёйлади ва сувланган газ листига қўйилади. Хамирга қийма, кирғичдан чиқарилган пишлоқ, унинг устиндан юпка қилиб тўралган помидор солинади. Масалликга туз ва қуритилган гаримдори қукунини «сепиб», газ духовкасида ўрта оловда олтин рангга киргунча пиширилади. Дастурхонга иссиқ холда тортилади.

## ЯНГИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Мамлакатимиздаги махсус мактаб-интернатлар педагогик жамоалари янги ўқув дастурига эга бўлишди. Бундай таълим ўчоқларининг 1-9 синфлари учун тайёрланган «Жисмоний тарбия дастури» мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Маъзур қўлланма моҳир жисмоний тарбия ўқитувчиси Мўйдин Мадаминнинг самарали ишлатиши натижа-сида юзга келди. Тажрибали педагог Фаргона вилояти Қўқон шаҳридаги 5-махсус мактаб-интернатда кўп йиллардан бери жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг савий-ҳаракати билан билим ўчоғида намунали спорт-соғломлаштириш мажмуаси йўлга қўйилди. Эндиликда бу ерда шаҳар бўйича турли спорт мусо-

бақалари ҳам ўтказиб турилади. Айниқса, жисмоний тарбия, даволлаш гимнастикаси машғулотлари кўпчилик ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Устоз-педагогнинг бу каби бой тажрибаси асосида яратилган янги ўқув дастури жойларда кенг оммалаштирилади. **Узбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси** ва Бухоро вилоят тармоқ қасаба уюшма кенгаши шўнақа кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудирини **Нина Пулатовага** уқди. **Вячеслав МАМИСАШВИЛИ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар булими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириди - 22.40

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.